

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: info@xs.uz ● 2020 йил 20 октябрь, № 220 (7722) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# 2021 ЙИЛГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ПАРАМЕТРЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 19 октябрь куни 2021 йилга мўлжалланган Давлат бюджети параметрлари муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Коронавирус пандемияси кўпгина режаларга жиддий таъсир кўрсатди. Лекин қабул қилинган қарорлар ва ўз вақтида кўрилган чоралар натижасида жорий йилги бюджет параметрлари ижроси таъминланмоқда. Бу эса пандемия оқибатларини бартараф этишга 13,4 триллион сўм маблағ йўналтиришга имкон берди.

Давлатимиз раҳбари келгуси йилги бюджетни режалаштиришда пандемиянинг давом этиши, жаҳондаги иқтисодий фаоллик пасайишини инобатга олиш кераклигини таъкидлади.

Йиғилишда макроиқтисодий барқарорлик ва белгиланган бюджет тушумларини тўлиқ таъминлаш чора-тадбирлари муҳокама қилинди. Бунинг учун 2021 йили иқтисодиётда камида 5,1 фоиз, жумладан, саноатда 5,8 фоиз, хизматлар ва қурилишда 6,5 фоиздан ўсишга эришиш керак бўлади. Инфляция даражаси ва бюджет дефицитини прогноз кўрсаткичларидан оширмаслик ҳам муҳим.

Мутасаддиларга ушбу вазифалар бўйича топшириқлар берилди. «Яширин иқтисодиёт»ни қисқартириш ҳамда 600 минг иш ўрнини легаллаштириш, 53 та идоранинг маълумотлар базасини интеграция қилиш, маркировка қўлланиладиган маҳсулотлар турини кенгайтириш ҳисобига бюджетга қўшимча маблағлар тушириш мумкинлиги айтиб ўтилди.

Йирик корхоналарда ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳам режалаштирилмоқда. Мисол учун, иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолининг табиий газга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қоплаш ҳамда ҳисоб-китобни тўғри йўлга қўйиш орқали акциз солиғидан қўшимча 500 миллиард сўм маблағ тушириш имкони мавжуд. Шу билан бирга, электр энергияси ҳамда ички бозордаги эҳтиёжни узлуксиз таъминлаш ҳисобига қўшилган қиймат солиғидан қўшимча 250 миллиард сўм бюджетга даромад тушиши кутилмоқда.

Энергетика вазирлигига шу бўйича кўрсатмалар берилди. Транспорт вазирлигига кейинги йили қатновларни тиклаш, янги маршрутларни очиш ҳисобига бюджетга тушумларни 2019 йилдаги кўрсаткичларга етказиш вазифаси қўйилди.

Пандемия шароитида ижтимоий соҳага ажратиладиган харажатлар жорий йилга нисбатан камида 15 фоизга оширилиши режалаштирилмоқда. Жумладан, кейинги йилда мактабгача таълим қамрови даражасини 70 фоизга, бунда хусусий сектор улушини 25 фоизга етказиш мақсад қилинган. Халқ таълими вазирлигига бюджетдан ажратмалар 16 фоизга оширилади. Мактабларни тезкор интернетга улаш бўйича биринчи марта бюджетдан 100 миллиард сўм, жиҳозлашга 200 миллиард сўм йўналтириш назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, илм-фанни ривожлантириш концепцияси доирасида келгуси йили Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармасига бюджетдан 2 баравар кўп маблағ ёки 100 миллиард сўм ажратилади.

Соғлиқни сақлаш соҳасига қарийб 20 триллион сўм, шундан коронавирусга қарши курашиш тадбирлари учун 3 триллион сўм ҳамда дори-дармон харидига 1,8 триллион сўм белгиланиши кўзда тутилган.

Илк бора онкогематологияга қарийб 90 миллиард сўм ажратилмоқда. Шунингдек, тамаки савдосидан олинган акциз солиғининг 7 фоизи Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармасига ўтказиб берилади. Шу билан бирга, келгуси йилда биринчи марта гемодиализга муҳтож касалларга тиббий хизматлар кўрсатиш қамровини 100 фоизга етказиш учун 130 миллиард сўм йўналтирилади.

Йиғилишда камбағалликни қисқартириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Камбағалликни қисқартириш мақсадида ижтимоий нафақа олувчи муҳтож оилалар сони жорий йил бошига нисбатан 2 баравар оширилиши белгиланди. Келгуси йил 1 январдан ягона ижтимоий реестрни барча ҳудудда ишга тушириб, ижтимоий нафақалар ажратиш тизимини тўлиқ автоматлаштириш зарурлиги қайд этилди.

Тадбиркорлик дастурлари доирасида 3 триллион сўмдан ортиқ субсидиялар берилиши мўлжалланмоқда. Бундан ташқари, Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳамда Жамоат ишлари жамғармасига 250 миллиард сўмдан маблағ йўналтириш режалаштирилган.

Янги иш ўринлари очиш ва аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ҳисобига кам таъминланганлар сонини қисқартириш зарурлиги таъкидланди.

Яна бир муҳим жиҳат — келгуси йили чин етим болаларни уй-жой билан таъминлаш учун бюджетдан биринчи маротаба 30 миллиард сўм ажратилиши белгиланган. Мутасаддиларга бу борада янги тартиб ва рўйхатлар ишлаб чиқиш топширилди.

Бюджетни шакллантиришда маҳаллий Кенгашлар ваколатларини янада кенгайтириш зарурлиги қайд этилди. Ҳудудлар ўзи учун қўшимча резервларни аниқлаши, уларнинг ҳисобига жойлардаги муаммоларни ҳал қилишга ўрганишлари мақсадга мувофиқлиги айтиб ўтилди.

Президент Шавкат Мирзиёев бюджет харажатлари очиқ-ошкора бўлиши, вазирлик ва идоралар, ҳудудлар унинг ҳар бир сўмини оқилона сарфлаши кераклигини таъкидлади.

Яна бир муҳим масала — молиявий интизом ва назоратни кучайтириш. Молия вазирлигига ташкилотларда ички аудит тизимини мустаҳкамлаш, ноқонуний харажатлар ва камомадларга йўл қўймаслик бўйича кўрсатмалар берилди.

Бундан буён харажатлар таркиби ва натижадорлиги давлат идораларининг расмий сайтларида эълон қилиш тартиби жорий этилади ва бунга амал қилмаган раҳбарларга жарима қўлланилади. Буни Олий Мажлис палаталари ва маҳаллий Кенгашлар назорат қилади.

Бош вазир ўринбосарларига кейинги йил учун марказлашган, хорижий ва хусусий инвестиция дастурларини шакллантириш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда мутасаддилар жорий йил якунигача ва келгуси йилда бюджет кўрсаткичларини таъминлаш бўйича мавжуд хавф-хатарлар ва уларни бартараф этиш борасида қилинаётган ишлар юзасидан ҳисобот берди.

**ЎзА.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ УЗОҚ МУДДАТЛИ ИСТИҚБОЛДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 октябрь куни маслаҳатчи Сума Чакрабарти иштирокида мамлакатимизда ислоҳотлар дастурини узоқ муддатли истиқболда давом эттиришнинг стратегик йўналишларини кўриб чиқди.**

Чуқур ва ҳар томонлама таҳлил асосида, илғор халқаро амалиёт ва тажрибани ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонда янги ўсиш нуқталарини аниқлаш ва янгиланишларни самарали давом эттиришни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, мамлакатимиз иқтисодиётининг муҳим тармоқларини модернизация қилиш ва рақобатдошлигини ошириш, давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш ва бошқарув кадрлари сифатини тубдан ошириш, республикада инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари кўриб чиқилди.

**ЎзА.**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

# БУЮК ШОИР ВА МУТАФАККИР АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 580 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Буюк шоир ва мутафаккир, атоқли давлат ва жамоат арбоби Алишер Навоийнинг бебаҳо ижодий-илмий мероси нафақат халқимиз, балки жаҳон адабиёти тарихида, миллий маданиятимиз ва адабий-эстетик тафаккуримиз ривожида алоҳида ўрин тутади. Улуғ шоир ўзининг шеърий ва насрий асарларида юксак умуминсоний ғояларни, она тилимизнинг беқиёс сўз бойлиги ва чексиз ифода имкониятларини бутун жозибаси ва латофати билан намоён этиб, Ер юзидаги миллионлаб китобхонлар қалбидан муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллади.

Сўнгги йилларда Алишер Навоийнинг бой ва серқирра ижодий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, унинг ўлмас асарларини юртимизда ва хорижий мамлакатларда кенг тарғиб қилиш ҳамда хотирасини абадийлаштириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, шоир туғилган қутлуғ 9 февраль санасини ҳар йили адабиёт ва маърифат байрами сифатида юксак даражада нишонлаш анъанаси қарор топди. Улуғ сўз санъаткорининг асарлари мунтазам нашр этилиб, навоийшунослик соҳасида кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда, республика ва халқаро миқёсда илмий анжуманлар ўтказилмоқда.

Шу билан бирга, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этилгани, мамлакатимиз ҳамда бир қатор хорижий давлатларда ҳайкаллари ўрнатилгани, асарлар тўплами тўлиқ нашрдан чиқарилгани, пойтахтимиз марказидаги улуғ бобомизнинг муаззам меъморий ёдгорлигига мутаносиб равишда Адиблар хиёбони барпо этилгани маданий ҳаётимиздаги улкан воқеаларга айланди.

Жонажон Ватанимиз **"Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари"** деган бош тамойил асосида тараққиётнинг бутунлай янги босқичига қадам қўйиб, янги Уйғониш даври — учинчи Ренессанс пойдеворини яратаётган бугунги кунда Алишер Навоийнинг безавол адабий мероси мисолида ўзбек адабиёти ва маданиятини чуқур ўрганиш ва оммалаштириш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Алишер Навоий асарларида теран ифода топган миллий ва умуминсоний ғояларнинг жаҳон тамаддунида тутган ўрнини ҳамда ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, улар қалбида юксак ахлоқий фазилатларни тарбиялашдаги беқиёс аҳамиятини назарда тутиб, шунингдек, улуғ шоир ва мутафаккирнинг адабий-илмий меросини мамлакатимизда ва халқаро миқёсда янада чуқур тадқиқ қилиш ва кенг тарғиб этиш мақсадида:

1. Маданият вазирлиги, Фанлар академияси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда кенг жамоатчилик вакилларининг 2021 йилда **буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисидаги** таклифлари маъқуллансин.

(Давоми 2-бетда).

# ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА ЎЗАРО АЛОҚАЛАР ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

*Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоеванинг АҚШ Ишбилармон аёллар ташкилотлари уюшмаси (WBC) раҳбари Эди Фрейзер билан видеоконференцалоқа шаклида учрашуви бўлиб ўтди.*

## Ҳамкорлик

Суҳбат давомида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш ва хотин-қизларнинг жамият тараққиётидаги ролини оширишга қаратилган ишларни ҳамкорликда бажариш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

АҚШ Ишбилармон аёллар ташкилотлари уюшмаси бизнес билан шуғулланишда ва тадбиркорликни ривожлантиришда хотин-қизларни қўллаб-қувватловчи нуфузли ташкилотдир. У хотин-қизларни йирик корхоналарда раҳбарлик лавозимларига тайинлашга, тадбиркорликни ривожлантиришда улар учун зарур шарт-шароит яратиш ҳамда капитал тақдим этишга кўмаклашадиган ташаббус ва дастурларда қатнашадиган АҚШнинг 39 та энг йирик ишбилармон аёллар ташкилотини бирлаштиради.

Учрашув давомида АҚШ томонига мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар тўғрисида батафсил маълумот берилди. Хусусан, камбағалликни қисқартириш, "аёллар дафтари"ни жорий этиш орқали уларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш учун фондлар ташкил этиш ва имтиёзли кредитлар тақдим қилиш бўйича Ўзбекистонда кўрилаётган чора-тадбирларга эътибор қаратилди.

➔ 2

Европалик экспертлар:

# ЎЗБЕКИСТОН ТЎҒРИ ЙЎЛДАН БОРМОҚДА

*Европа Иттифоқининг ички ва ташқи сиёсатини таҳлил қилувчи "European Union Reporter" ("EU Reporter") онлайн таҳлилий платформасида "Ўзбекистон эришган салмоқли муваффақиятлар" сарлавҳали мақола эълон қилинди.*

## Дунё нигоҳи

Унда қайд этилганидек, 2016 йили Президент лавозимига сайланган Шавкат Мирзиёев барча соҳада кенг кўламли ислоҳотларни бошлаб юборди. Хусусан, мамлакатдаги ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, суд тизими ва хавфсизлик органларини ислоҳ қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш, давлат органларининг халқ билан мулоқоти ҳамда унга ҳисобдорлигини таъминлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Мамлакат раҳбарияти қўшни давлатлар билан алоқаларни тубдан яхшилаб, минтақадаги кескинликни пасайтира олди.

Ўзбекистон эришган муваффақиятлар халқаро ҳамжамият томонидан бирдай эътироф этилаётир. Хусусан, Европа Иттифоқи сўнгги йилларда Ўзбекистон раҳбарияти томонидан қатор соҳаларда эришилган ютуқларни тан олмоқда. Янги раҳбарият инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ вазиятни яхшилаш, қўшни давлатлар билан минтақавий ҳамкорлик ва халқаро шериклар билан алоқаларни ривожлантириш, минтақада хавфсизлик ҳамда барқарорликни таъминлашда жиддий ютуқларга эришди.

Ушбу фикрларнинг исботи сифатида "EU Reporter" Европа Иттифоқининг қатор расмий ва эксперт-таҳлил доиралари вакиллари билан интервьюлар ўтказиб, уларнинг мулоҳазаларини келтиради.

Хусусан, **Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича матбуот котиби Питер Стано (Peter Stano)** қуйидаги фикрларни билдиради:

"ЕИ ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар бугунги кунда ижобий траекторияда, мамлакатда олиб борилаётган улкан ислоҳотлар жараёнига мос равишда ҳамда 2019 йилда қабул қилинган Марказий Осиё бўйича Европа Иттифоқининг янги стратегиясидан келиб чиққан ҳолда ривожланмоқда.

Барча даражада расмий учрашувлар ва норасмий алоқалар шаклида мулоқот амалга оширилаётир. Минтақавий учрашувларда ҳам Ўзбекистон иштирок этмоқда. Ўзбекистон миллий меъёрий-ҳуқуқий тизимини халқаро мезонлар ҳамда амалиётларга мослаштираётгани, бу, унинг Европа нормалари ва қадриятларига яқинлашишига ёрдам беради. Европа Иттифоқи бу саъй-ҳаракатларни сиёсий ҳамда техник жиҳатдан қўллаб-қувватлайди".

**Фрейзер КЭМЕРОН, Европа Иттифоқи — Осиё таҳлилий маркази директори:**

— Шубҳасиз, сўнгги йилларда Европа Иттифоқининг Ўзбекистон билан муносабатлари, мамлакатдаги ижобий ўзгаришлардан сўнг сезиларли тарзда яхшиланди. Ўзбекистон тўғри йўлдан бормоқда. Шу билан бирга, мамлакат бошқарув тузилмалари, қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқлари кўрсаткичларини яхшилашни давом эттириши лозим.

**Никколо РИНАЛЬДИ, Европа Парламентининг Осиё, Австралия ва Янги Зеландия бўйича бўлими бошлиғи:**

— Президент Мирзиёев ҳокимиятга келган тўрт йил ичида олдинги 40 йилдагидан кўпроқ ўзгаришлар кузатилмоқда. ЕИ ҳамда Ўзбекистон ўртасидаги Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик шартномасининг имзоланиши ниҳоятда муҳимдир. Зеро, у мажбуриятлар билан бирга, ЕИ ҳамда Ўзбекистон ҳамкорлигининг чуқурлашувига ҳуқуқий асос яратади.

**Анвар МИРЗАЕВ**
**(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

Олий Мажлис Сенати

# ҚЎМИТАЛАРДА ЯЛПИ МАЖЛИСДА МУҲОКАМАСИ КУТИЛАЁТГАН МАСАЛАЛАР ДАСТЛАБКИ ТАРЗДА КЎРИЛДИ

*Олий Мажлис Сенати қўмиталарининг видеоконференцалоқа тарзида йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисида муҳокама қилиниши кутилаётган масалалар дастлабки тарзда кўриб чиқилди.*

## Тадбиркорлар ва аҳолига қандай солиқ қулайликлари яратилмоқда?

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси йиғилишида дастлаб "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, ушбу ҳужжат билан амалдаги 11 та қонун ва 2 та кодекс талаблари Солиқ кодексига мослаштириляпти. "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги, "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги, "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги ва бошқа қонунлар, шунингдек, Бюджет кодекси ана шулар жумласидандир.

Янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг амалга киритилиши тадбиркорлик субъектлари учун қатор қулайликларни яратади. Юқоридаги қонун эса тадбиркорлик субъектлари билан бирга, фуқароларга ҳам янада кенг имкониятлар бериши билан аҳамиятлидир.

➔ 2

# МИЛЛАТ РУҲИ ВА ЖАМИЯТ УЙҒОҚЛИГИ КЎЗГУСИ

*"Миллий давлатчилигимиз ва ўзлигимиз тимсоли бўлган она тилимизни ривожлантириш бу борада энг муҳим йўналиш бўлиб қолади. Худо хоҳласа, бу йил 21 октябрь — Ўзбек тили байрами кунини бутун мамлакатимиз миқёсида кенг нишонлаймиз", дейди Юртбошимиз. Аслида бу тадбирга сабаблардан бири — давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 21 октябрда "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонга имзо чекилганлиги бўлди.*

*2020 йил 23 сентябрь куни мамлакатимиз сиёсий ҳаётида тарихий воқеа юз берди: Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида ўзбек тилида нутқ сўзлади.*




## 21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни

Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбарининг ўз маърузасини она тилимизда баён этиши юз йиллик тарихимиздаги нафақат ижтимоий, балки чуқур сиёсий ҳодиса ҳамдир. Моҳият-эътибори билан бу чин маънодаги миллий давлат барпо этиш йўлидаги ҳаракат ортга қайтмас эканлигини билдиради. Бундай чиқишлар эса давлат ва миллатнинг энг олий нишони бўлган она тилимизнинг қадрини янада баланд қилади. Юксак минбарларда она тилимизда сўзланган маъруза нафақат Ўзбекистонда, балки бутун турк дунёсида улкан воқеа сифатида илиқ кутиб олинди. Ҳа, она тили ана шундай залварли, забардаст, қудратли кучга эга, у миллионлаб қалбларни жунбушга келтиради, инсонда ифтихор, ғурур ҳиссини уйғотади.

Давлат тилини асраб-авайлаш ҳар бир миллатнинг қўлидан келмайди. ЮНЕСКО томонидан нашр қилинадиган "Йўқолиб кетиш хавфи арафасида турган жаҳон тиллари атласи"да ёзилганидек, Европада 50 та, Тинч океани минтақасида 200 та тил йўқолиб кетиш арафасида турибди. Африкадаги 1400 та тилдан 250 таси яқин йилларда, 600 таси келажакда бутунлай йўқолади. Лейпциг университети ходими Бальтазар Бикелянинг сўзларига кўра, Кавказда атиги 3-4 киши сўзлашувчи тиллар бор. Лейпцигда бўлиб ўтган лингвистларнинг халқаро анжуманида кам сонли халқларнинг тиллари йўқолиб кетишига глобаллашув жараёни айбдор, деган хулосага келинди.

### Қонун жиддий ўзгаришга учраганми?

Таниқли шоир, олим Мирзо Кенжабекнинг таъкидича, у давлат тили ҳақидаги қонунни тайёрлаш ҳайъатининг аъзоси бўлган. Атоқли олим, марҳум Эркин Юсупов раис, Бахтиёр Назаров, Акмал Саидов каби олимлар фаол аъзолардан эди. "Лекин ҳозир биз амал қилаётган қонун 1989 йилда қабул қилинган Қонун эмас, балки 1995 йилнинг 21 декабрида деярли "яширин" услубда ўзгаришга учраган янги таҳрирдаги Қонундир", деб ёзади у.

➔ 4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# БУЮК ШОИР ВА МУТАФАККИР АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 580 ЙИЛЛИГИНИ КЕНГ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2. Қуйидагилар:

**Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини нишонлаш бўйича ташкилий қўмита** (кейинги ўринларда — Ташкилий қўмита) таркиби 1-иловага мувофиқ;

**Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини нишонлаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури** (кейинги ўринларда — чора-тадбирлар дастури) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмитага Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини нишонлаш доирасида ўтказиладиган тадбирларни юксак савияда ташкил этиш, мазкур қарор ва чора-тадбирлар дастурининг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ амалга оширилишини мувофиқлаштириб бориш вазифалари юклатилсин.

3. Вазирлар Маҳкамаси тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини мамлакатимиз ва халқаро миқёсда кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг **"Алишер Навоий номидаги халқаро жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида"**ги қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин;

Алишер Навоийнинг ижодий меросини чуқур ўрганиш ва оммалаштиришга улкан ҳисса қўшган мамлакатимиз ва хорижий давлатлар фуқароларини ҳамда илмий-ижодий муассасаларини тақдирлаш мақсадида **Алишер Навоий орденини таъсис этиш** юзасидан таклиф киритсин;

Афғонистон Ислом Республикасининг Ҳирот шаҳридаги Алишер Навоийнинг мақбараси мажмуасида қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш имкониятларини ўрганиб чиқсин ва натижаси бўйича таклиф киритсин.

4. Маданият вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги, Фанлар академияси, Давлат божхона қўмитаси билан ҳамкорликда **хорижий давлатларда сақланаётган Алишер Навоий қаламига мансуб ва у яшаган даврга оид қўлёзмаларнинг факсимиле нусхаларини** мамлакатимизга олиб келиш чораларини кўрсин.

5. Фанлар академияси:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2020-2021 йиллар давомида **Алишер Навоийнинг қўлёзмалари асосида шоир асарларининг мукаммал илмий нашрини яратиш** ишларини амалга оширсин;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2020 йил декабрга қадар Алишер Навоий ижодий меросини шарҳини яратиш ишларини якунига етказсин ҳамда уларни **"Навоий ва ёшлар" махсус дастури**да жойлаштириш учун Ёшлар ишлари агентлигига тақдим этсин;

Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейида 2021 йил ноябрь ойида Алишер Навоий яшаган давр, шоир ҳаёти, ижоди, адабий муҳити, устозлари, замондошлари ва издошлари ҳақида ҳикоя қилувчи, асарларининг қўлёзма ва нашр нусхалари тўғрисида маълумот берувчи адабий-бадиий анжуманни ташкил этсин.

6. Инновацион ривожланиш вазирлиги тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Алишер Навоий ҳаёти ва ижодий меросини тадқиқ этиш бўйича илмий тадқиқот ишларига давлат буюртмаси асосида мувофиқ илмий лойиҳалар танловини эълон қилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Фанлар академияси билан биргаликда 2021 йил охирига қадар Ўзбекистон Миллий кутубхонасида **Алишер Навоий асарлари ҳамда навоийшунослик фани бўйича амалга оширилган илмий тадқиқотларнинг электрон платформасини** яратсин.

8. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги **Алишер Навоий асарларини узлуксиз ўқитиш концепцияси**ни ишлаб чиқсин ҳамда 2021/2022 ўқув йилидан барча таълим муассасаларида шу асосда ўқитишни йўлга қўйсин.

9. Ёшлар ишлари агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2020 йил декабрга қадар қуйидаги масалаларни ўз ичига олган **"Навоий ва ёшлар" махсус дастурини ишлаб чиқсин** ва амалга оширсин:

умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида **"Навоий ворислари"** ғазалхонлик танлови, Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар ўқувчилари ўртасида **"Навоийни англаш"** мавзуида иншолар танловини ўтказиш ва ғолибларни муносиб тақдирлаш;

**беш муҳим ташаббус доирасида** ёш дастурчиларни кенг жалб этган ҳолда Алишер Навоий асарларининг мобиль иловаларини яратиш ва уларни ёшлар ўртасида оммалаштириш.

10. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2021 йилда Тошкент шаҳрида **Алишер Навоий номидаги ижод мактабини ташкил этиш** ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

11. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият вазирлиги, Фанлар академияси, Навоий вилояти ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2021 йил ноябрь ойининг биринчи ўн кунлигида Навоий шаҳрида **"Алишер Навоий ижодий меросининг башарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни"** мавзусида халқаро илмий-амалий конференцияни ҳамда Тошкент шаҳрида Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигига бағишланган тантанали адабий-бадиий анжуманни юқори савияда ўтказсин.

12. Маданият вазирлиги 2021 йилда Алишер Навоий ҳаёти ва асарлари асосида янги спектакллар яратиш ҳамда **"Навоий сиймоси ва асарлари саҳнада" республика театрларининг фестивалини ўтказиш**, шоир ғазаллари асосида **"Назм ва наво" кечаларини**, мақом танловларини ташкил этишни таъминласин.

13. "Ўзбеккино" Миллий агентлиги 2021 йил давомида Алишер Навоий асарлари асосида бадиий ва мультипликацион фильмлар, шоир ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ янги маълумотлар ва манбалар асосида **тўлиқ метражли бадиий-публицистик фильм яратиш** чораларини кўрсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Молия вазирлиги Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда **2021 йилда "Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги"** рукни остида шоир асарлари, унинг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги илмий ва оммабоп китоблар туркумини чоп этиш чораларини кўрсин.

15. Ташқи ишлар вазирлиги 2021 йилдан бошлаб мунтазам равишда:

Фанлар академияси, Ёзувчилар уюшмаси ва бошқа мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда **мамлакатимизнинг хориждаги дипломатик ваколатхоналарида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган тадбирлар ташкил этиш**;

чет элда истиқомат қилаётган ўзбек тили мутахассислари, таржимонларни жалб этган ҳолда **Алишер Навоийнинг асарларини чет тилларга таржима қилиш**, **нашр этиш** ва хорижий мамлакатларда тақдимотларини ўтказиш бўйича тизимли ишларни амалга оширсин.

16. Молия вазирлиги, Маданият вазирлиги, Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи биносини тўлиқ реконструкция қилиш, янги замонавий экспозиция яратиш, зарур техник ва ашёвий жиҳозлар билан таъминлаш учун керакли маблағлар ажратиш чораларини кўрсин ҳамда 2021 йил октябрга қадар таъмирлаш ишларини якунига етказсин.

17. Ўзбекистон Бадиий академияси ва Республика "Ҳунарманд" уюшмаси 2021 йил февраль ойида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган тасвирий санъат асарлари, миниатюралар, халқ амалий санъати намуналари кўргазмаларини ўтказсин.

18. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш, шоир асарлари асосида махсус кўрсатув ва эшиттиришлар, ўқув-маърифий фильмлар яратиш тавсия этилсин.

19. Мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни молиялаштириш манбалари этиб Давлат бюджети маблағлари, ташкилотчиларнинг ўз маблағлари ҳамда қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар белгилансин.

20. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 19 октябрь

# ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА ЎЗАРО АЛОҚАЛАР ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

1

Ўз навбатида, Эди Фрейзер Ўзбекистонда аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хусусан, уларни давлат бошқаруви соҳасида етакчи лавозимларга кўтаришда давлат томонидан олиб борилаётган сиёсатни юқори баҳолади. "Ўзбекистон бошқалар учун намуна бўладиган ривожланаётган мамлакатларнинг ёрқин мисолидир", деди WBC раиси.

АҚШ Ишбилармон аёллар ташкилотлари уюшмаси раҳбари мамлакатимизда қабул қилинган гендер тенгликни таъминлашга қаратилган қонунларнинг аҳамиятини алоҳида қайд этди. Шунингдек, Фрейзер хоним Ўзбекистон парламентининг янги таркибида аёллар сони ошганига урғу бериб, Олий Мажлис Сенатида аёллар сони 23 фоизни, Қонунчилик палатасида 32 фоизни ташкил қилишини юқори баҳолади ва бу хотин-қизлар сиёсий фаоллигини оширишда муҳим ютуқ эканлигини таъкидлади.

Учрашув давомида хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш, айниқса, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича аниқ лойиҳаларни рўёбга чиқариш мақсадида ҳамкорликни давом эттириш тўғрисида келишувга эришилди.

Шунингдек, тадбирда гендер тенгликни таъминлашнинг долзарб масалалари юзасидан мулоқот ўрнатиш ва уни мустаҳкамлаш бўйича мамлакатлар делегацияларининг ўзаро ташрифларини ташкил этиш борасида фикр алмашилди.

**«Халқ сўзи».**

# ОЧИҚЛИК, ОШКОРАЛИК ВА ХОЛИСЛИК

## ахборот сиёсатининг ўзгармас қоидаларидир

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси томонидан "Давлат бошқаруви тизими ва давлат органлари фаолиятида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш" мавзуида видеосеминар ташкил этилди.*

### Онлайн семинар

Онлайн тарзда ўтказилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг масъул ходимлари ҳамда агентликнинг Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари ҳудудий бошқармалари раҳбарлари, шунингдек, вилоят ҳокимликларининг ахборот хизмати раҳбарлари, давлат органи муассислигидаги таҳририятлар бош муҳаррирлари ҳамда мутахассислар қатнашди.

Таъкидланганидек, сўнгги 3-4 йил ичида мамлакатимизда давлат органларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш борасида институционал ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, фуқароларнинг давлат идоралари фаолиятига оид ахборотлардан эркин фойдаланиш имкониятлари кенгайиши ҳамда жамоатчилик муҳокамалари учун қулай шароитлар яратилиши ушбу соҳада янгича муносабат шаклланишига хизмат қилмоқда. Масалан, давлат бошқаруви тизими билан бир қаторда, маҳаллий давлат органлари фаолиятида йўлга қўйилган ахборот хизмати институти давлатнинг жамоатчилик билан алоқаларини янги босқичга олиб чиқди.

Тадбирда давлат бошқаруви тизимида яратилган очиқ ва шаффоф ахборот муҳити, марказий бошқарув органларининг ахборот хизматлари фаолиятининг бугунги ҳолати ҳамда жамоатчилик билан алоқалар соҳасидаги ислоҳотларга оид кўрсаткичлар динамикаси, олиб борилаётган чора-тадбирлар натижалари таҳлил қилинди.

Таҳлилларга кўра, республика бўйича жами 606 та ахборот хизмати фаолият олиб бормоқда. Шундан давлат бошқаруви тизимида ва маҳаллий ҳокимият органлари ҳузуридаги ахборот хизматлари сони 89 тани ташкил қиляпти. 2019 йилнинг 1 июлидан 2020 йилнинг 1 сентябрига қадар республика бўйича ахборот хизматларида мавжуд штатлар сони 433 тадан 1067 тага етган, ҳозирги кунда уларнинг 544 таси ҳудудлар кесимидаги давлат органларининг ахборот хизмати ходимларидир.

Семинарда қўмита аъзолари томонидан давлат органлари ҳамда ташкилотларида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш ҳамда жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари (ОАВ) билан алоқаларни янги босқичга кўтаришда ахборот хизматларининг аҳамиятини очиб беришга қаратилган аниқ таклифлар ўртага ташланди.

Шунингдек, семинарда ҳокимликлар муассислигидаги таҳририятларни қўллаб-қувватлаш тадбирларининг сифатини, муаммоларни ўрганиш ҳамда таҳририятларда эркин ижодий ва иқтисодий шароитлар яратиш механизмининг замонавий услубларини қўллаш зарурлиги таъкидланди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг муассис сифатида мажбуриятларини бажариш ҳолати, таҳририятларнинг АКТ воситалари билан таъминланиш даражаси, расмий веб-сайтлар ҳолати, нашрларнинг электрон шакллари мавжудлиги, таҳририятларнинг ижодий ва иқтисодий имкониятларини баҳолаш, эркин шароитлар яратиш ҳамда қўллаб-қувватлаш ишлари Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари мисолида атрофлича таҳлил қилинди.

Айниқса, босма нашрларни тарқатиш стратегиясини эҳтиёж ва талабдан келиб чиқиб ривожлантириш, ОАВнинг электрон ҳамда веб-сайт шаклининг йўлга қўйилишидаги мавжуд амалиётни қайта кўриб чиқиш ва ижрочилар масъуллигини ошириш лозимлиги ўртага ташланди.

Статистика бўйича Ўзбекистондаги мавжуд ОАВ сони 2015 йилдагига нисбатан қарийб 70 фоиз ошган (2020 йилда — 1777 та). Улардан давлатга қарашли бўлган ОАВ сони 643 та (36,4 фоиз)-ни ташкил этади. Бу эса жамоатчиликнинг босма нашрларга бўлган қизиқиши барқарор эканини ҳам кўрсатади.

Охирги даврда босма нашрларни тарқатиш билан боғлиқ жараёнлар тобора оқсаб, почта тизимида турли муаммолар юзага келган. Сўнгги тўрт йилда "Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамияти томонидан матбуот тарқатиш ҳажми 3 баробар камайиб, унинг жами матбуот тарқатишдаги улуши 13 фоизга тушиб қолган. Бу борада яқинда Президентимиз раислигида миллий почта тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирларига оид ўтказилган видеоселектор йиғилишида мутасаддиларга босма нашрларни қўллаб-қувватлаш борасида матбуот тарқатиш тизимини ривожлантириш, даврий нашрларга онлайн обуна хизматини йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди.

Онлайн видеосеминар давомида ахборот соҳасидаги ишларни ривожлантиришга қаратилган зарур чора-тадбирлар белгиланди. Муҳокамалар якуни ва натижалари бўйича қўмитанинг тегишли тавсиялари ишлаб чиқилди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**
**(«Халқ сўзи»).**



# АКТдан ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТИ ҚАНДАЙ?

*Мамлакатимизда замонавий ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш, электрон давлат хизматларини кўрсатишнинг яхлит тизимини яратиш, давлат органларининг аҳоли билан мулоқот қилишининг янги механизмларини жорий этиш юзасидан изчил ишлар олиб борилмоқда.*

### Парламент эшитуви

Хусусан, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш имкониятини сезиларли ошириш, интернет тармоғидан умумий ва арзон фойдаланиш мақсадида NGN коммуникация ускуналарини кенгайтириш лойиҳаси ишлаб чиқилган. Мазкур лойиҳа асосида 350 мингдан ортиқ кенг полосали абонент портлари ўрнатилди.

Бу ҳақда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитасида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг "БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларини бажариш, илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"ги ахборотида айтиб ўтилди.

Таъкидланганидек, мамлакат ҳудудида замонавий интернет хизматларини жорий этиш мақсадида кенг полосали телекоммуникация тармоғини 800 минг портга кенгайтириш учун керакли қурилмалар харид қилинди. Мобиль алоқа тармоғини ривожлантириш лойиҳалари доирасида жорий йилда 2933 та база станцияси ўрнатилиб, ишга туширилди.

Шу билан бирга, уч мингдан ортиқ станциялар 3G/4G асосида модернизация қилинди. БМТ ваколатхонаси ва IT-парк ҳамкорликда коронавирус пандемиясига қарши курашиш, унинг оқибатларини енгиллаштиришга хизмат қилувчи инновацион ғояларни излаб топиш бўйича танлов ўтказди. Танловда соғлиқни сақлаш, ёрдамга муҳтож аҳолига кўмаклашиш, таълим, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш каби 8 та йўналиш бўйича 600 дан зиёд аризалар келиб тушди ва энг яхши ғоя муаллифлари аниқланди.

Тадбирда қўмита аъзолари республикамизнинг чекка ҳудудларига арзон ва сифатли интернет хизматларини етказиб бериш, гендер тенглигини таъминлаш мақсадида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига хотин-қизларни кенгроқ жалб этиш, вилоятларда фойдаланиш учун топширилаётган "IT-Park"ларда хотин-қизлар сонини кўпайтириш орқали уларни келажакда етук мутахассис қилиб тайёрлаш борасида олиб борилаётган ишлар билан ҳам қизиқдилар.

Депутатлар ахборот технологиялари ва коммуникацияларини бошқариш ҳамда жорий қилиш соҳасидаги қатор тизимли муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, сифатли ахборот хизматларини кўрсатишга қаратилган таклифлар ҳам бердилар.

Қўмита эшитувида депутатлар томонидан ўз сайлов ҳудудларига тегишли айрим масалалар ҳам ўртага ташланиб, таклифлар билдирилди.

Тадбирда кўрилган масала бўйича қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ҚЎМИТАЛАРДА ЯЛПИ МАЖЛИСДА МУҲОКАМАСИ КУТИЛАЁТГАН МАСАЛАЛАР ДАСТЛАБКИ ТАРЗДА КЎРИЛДИ

1

Сўнгра "Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун ҳам кўрилди. Мазкур қонун билан "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Қонунга ҳамда Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилаётир.

Ўзгартишларга кўра, нарх-наво ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида жорий йилнинг якунига қадар айрим турдаги акциз солиғи ставкаларини ўзгаришсиз сақлаб туриш назарда тутилган.

Шунингдек, йиғилишда аҳолини ичимлик суви билан таъминлашдаги муаммолар юзасидан Ҳукуматга парламент сўрови юбориш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

### Жамоат хавфсизлигини таъминлашга доир қонун ҳужжатлари такомиллаштириляпти

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси йиғилишида "Жамоат хавфсизлигини таъминлашга доир қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, жамоат хавфсизлигини таъминлашга доир қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиляпти. Хусусан, Жиноят кодексининг 104 ва 105-моддаларининг иккинчи қисмидаги бандлар ўзгартирилмоқда. Қолаверса, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 14, 245, 287-моддалари тўлдирилиб, янги 1852 ва 1853-моддалар қўшиляпти.

Йиғилишда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва соҳага оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолати юзасидан Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижаси ҳам муҳокама қилинди.

Парламент сўровида кўтарилган бир қатор масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалий чора-тадбирлар дастури қабул қилинган. Унда қоидабузарликларни автоматик аниқлайдиган фото ва видеомосламалар, онлайн режимда ишловчи қўшимча фоторадарлар ўрнатиш белгиланган.

Бундан ташқари, Ички ишлар вазирлигининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича кенг кўламли ҳамда асосий вазифаларини амалга оширувчи Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати йўл ҳаракатини ташкил этишни назорат қилиш бўлими ва бўлинмалари штат бирликлари етишмаслигини бартараф этиш бўйича тадбирлар ўтказилиши назарда тутилган.

### Эпидемияларга қарши кураш қоидалари бузилганда маъмурий жазо қўллаш ваколатига кимлар эга бўлади?

Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси йиғилишида "Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун муҳокама марказида бўлди.

Қонун билан киритилаётган ўзгартишларга кўра, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда назарда тутилган эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш маъмурий ҳуқуқбузарлиги учун маъмурий жазо қўллаш ваколатини Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати билан бир қаторда, ички ишлар органларига ҳам бериш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, Кодексда эпидемияларга қарши кураш қоидаларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликни содир этиб ҳаракатланаётган транспорт воситаларини ушлаб туриш тартиби жорий этиляпти.

Йиғилишда қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш билан боғлиқ жиноятлар содир этилиши ҳолати юзасидан Ички ишлар вазирлиги ҳамда Бош прокуратурага юборилган парламент сўрови натижалари ҳам кўриб чиқилди.

Сенаторлар парламент сўровида кўтарилган айрим муаммоли масалаларни Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратура томонидан бартараф этиш чораларини кўриш зарурлигини таъкидладилар.

### Вазифалар ижроси етарлича акс эттирилмагани билдирилди

Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси йиғилишида тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва уларнинг ногиронлигини аниқлаш масалалари юзасидан Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари таҳлил қилинди.

Сенаторлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан парламент сўрови натижалари юзасидан тақдим этилган ахборотда парламент сўровида қўйилган вазифалар ижроси етарлича акс эттирилмаганлиги аниқланганини қайд қилдилар. Хусусан, тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан фуқароларни тиббий кўрикдан ўтказиш ва уларнинг ногиронлигини аниқлаш масалалари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда етарлича тартибга солинмаган, ногиронлиги бўлган шахсларни тиббий-ижтимоий ҳамда касб бўйича реабилитация қилиш юзасидан яқин, ўрта ёки узоқ муддатли стратегия қабул қилинмаган.

Қолаверса, ногиронликни аниқлаш учун тиббий-ижтимоий экспертиза ўтказишда қўлланилаётган мезон қирқ йил аввал яратилган услубиётга асосланган бўлиб, янги тартиб ҳалигача ишлаб чиқилмаган.

Тадбирда парламент сўровида кўтарилган масалалар юзасидан етарлича амалий чоралар кўрилмагани, тегишли ишлар бажарилмаганига урғу берилди. Шунингдек, мажлисда қўмита аъзолари Х. Ортиқбоева ҳамда Н. Пардаевнинг 2020 йил давомида сенаторлик фаолияти ҳақидаги ҳисоботлари эшитилди.

Йиғилишда "Қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар тўғрисида"ги қонун ҳам кўриб чиқилди.

### Ҳукуматнинг парламент сўрови юзасидан Сенатга юборган жавоби муҳокама қилинди

Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси мажлисида Россия Федерациясида вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови юзасидан Ҳукуматнинг Сенатга тақдим этган жавоби қизғин муҳокама қилинди.

Бундан ташқари, мажлисда қўмита томонидан "Туризм тўғрисида"ги Қонуннинг Жиззах вилоятида ижроси ҳудудга чиққан ҳолда ўрганилгани ва нафақат туризм, балки кичик бизнес ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш, йўл инфраструктураси ҳолатини яхшилаш борасида камчиликлар аниқлангани, шу жиҳатдан Сенат ялпи мажлисида мазкур масалага доир муҳокамада фаол иштирок этиш зарурлиги айтилди.

*Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси йиғилишида БРМнинг 5-мақсади доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё, Фарғона ҳамда Сирдарё вилоятларида гендер тенгликнинг таъминланиши ва хотин-қизлар ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши ҳолатини ўрганиш натижалари муҳокама марказида бўлди.*

*Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси йиғилишида Вазирлар Маҳкамасига аҳолини, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш жараёнида юзага келаётган муаммолар тўғрисида юборилган парламент сўрови натижалари муҳокама қилинди.*

*Қўмита аъзоси Ф. Саъдуллаеванинг сенаторлик фаолиятига доир ҳисоботи эшитилди.*

*Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг йиғилишида қўмита қарорларининг ижро этилиши тўғрисида қўмита раиси Б. Тожиевнинг ахбороти эшитилди ва муҳокама қилинди.*

Йиғилишларда кўрилган масалалар юзасидан қўмиталарнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ЎЗАРО ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЯДИ

***Ўзбекистон Савдо-саноат палатасида 19 октябрь куни Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Ижроия қўмитасининг XXVIII йиғилиши ва XVIII Бош ассамблеяси бўлиб ўтди.***

Видеоконференцалоқа шаклида ўтказилган тадбирда Туркия савдо палаталари ва товар биржалари иттифоқи раиси Мустафо Рифат Ҳисоржиқли ўғли, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош котиби Ҳоди Сулаймонпур, ИҲТ савдо-саноат палатаси президенти, Афғонистон халқаро савдо палатаси таъсисчиси Азарахш Ҳафизий, Эрон Ислом Республикаси савдо, саноат ва кончилик ишлари палатаси президенти Ҳусайн Шофий, Покистон Ислом Республикаси савдо-саноат палатаси федерацияси президенти Анжум Ниссор, Тожикистон савдо-саноат палатаси президенти Жамшид Жумахонзода иштирок этди.

Анжуман ишида мамлакатимиз номидан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раисининг биринчи ўринбосари Ислом Жасимов ва раис ўринбосари Фаризшоҳ Усмонов қатнашди.

Учрашув аввалида Мустафо Рифат Ҳисоржиқли ўғли мазкур тадбир жуда муҳим аҳамиятга эга йиғилиш эканини қайд этди.

Ислом Жасимов ўз сўзида ижроия қўмитанинг 2018 йил Теҳронда ўтган йиғилишида илк бор қатнашган Ўзбекистон сўнгги икки йилда ташкилот ишида фаол иштирок этиб келаётганини таъкидлади.

Йиғилишда инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш мамлакатларимиз ўртасидаги сармоявий ҳамкорликни кенгайтиришнинг муҳим шарти экани қайд этилди.

Анжуманда аъзо давлатлар вакилларининг маърузалари тингланди. Ихтисослаштирилган қўмиталар, жумладан, Тадбиркор аёллар кенгаши, Туризм, Транспорт, Арбитраж, Саноат, инвестициялар ҳамда кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш, Савдони енгиллаштириш қўмиталари йиғилишлари натижалари билан танишилди.

Минтақавий давлатлараро иқтисодий тузилма ҳисобланадиган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти таркибига 10 давлат — Ўзбекистон, Туркия, Эрон, Покистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Афғонистон, Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизистон киради.

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти Савдо-саноат палатаси тузилмага аъзо давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга ихтисослаштирилган органдир.

Айни пайт Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ИҲТ ССП доирасида фаол саъй-ҳаракатларни йўлга қўйган. Хусусан, Покистон, Туркия, Афғонистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон савдо палаталари билан икки томонлама ишбилармонлар кенгашлари тузилган. Озарбайжон, Эрон ва Қирғизистон билан худди шундай кенгашни шакллантириш бўйича иш олиб борилмоқда.

Савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни кенгайтириш, кичик ва хусусий бизнес ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатишга кўмаклашиш, транспорт-коммуникация, туризм соҳаларида ўзаро алоқаларни ривожлантириш ҳамкорликнинг устувор йўналишлари ҳисобланади.

Тадбирда савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга доир долзарб масалалар муҳокама қилиниб, қатор келишувларга эришилди.

**С. РАҲИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# МАМЛАКАТ РАВНАҚИ —
## ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИ РИВОЖИ БИЛАН АНИҚЛАНАДИ

*Яқинда юртимизда Ўқитувчи ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг миқёсда нишонланди. Мамлакатимизда қарийб чорак асрдан бери ўтказиб келинаётган умумхалқ байрами тантанаси бу йил ўзгача тартибда, бевосита мулоқот тарзида ўтказилгани кўпчиликнинг эътиборини тортди.*

### Мулоҳаза

Тадбирда Президентимиз таълим тизимида фаолият олиб бораётган ўқитувчи, тарбиячи, жонкуяр зиёлиларимизга мурожаат йўллаш билан бир қаторда, тадбир қатнашчилари, жумладан, вилоятлардан туриб иштирок этаётган тизим мутасаддилари, муаллим ва мураббийлар давлат раҳбарига ўзларининг фикр-мулоҳазалари, таклифларини очиқ ҳамда эркин билдирди.

Яна бир жуда аҳамиятли ҳолат — Президентимизнинг маърузаси унинг сўнгги бир ойлик даврдаги учинчи бор кенг кўламли дастурий чиқиши бўлиб, мамлакатимиз таълим соҳаси ривожланишининг янги босқичини белгиловчи дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

"Янги Ўзбекистон" номи остида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилаётган даврда мамлакатимизда илм-фанни, таълим тизимини изчил ривожлантириш, таълим ва илмий тадқиқотлар сифатини тубдан яхшилаш, барча ёшга илм олиши учун тенг имкониятлар яратиш, шунингдек, тарбиячи-муаллимлар, профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш, уларнинг меҳнатини қадрлашга қаратилган кўплаб ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Албатта, ёшларнинг таълим-тарбиясига катта эътибор берилаётгани, тизимга Давлат бюджетидан катта маблағлар ажратилаётгани, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим йўналиши ижтимоий соҳага, жумладан, таълим тизимига қаратилгани, табиийки, ҳақли савол туғдириши аниқ.

Жавоби шуки, мамлакатимиз истиқболи, юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги, биринчи навбатда, фарзандларимизнинг қандай инсон, қандай мутахассис бўлиб етишишига боғлиқ. Фақат юксак маънавият ва чуқур, замонавий билимларга эга ёшларни тарбиялай олгандагина, ҳар қандай давлат ўзининг тараққиёт йўлидан изчил бора олади. Бу ҳақиқатни нафақат юртимиз давлатчилиги тарихининг турли даврлари, балки барча ривожланган давлатлар амалиёти ҳам тўлиқ тасдиқлайди.

Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 60 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини, жумладан, мактаб ва мактабгача ёшдаги фарзандларимиз 10 миллиондан кўплигини ҳисобга олсак, ёшларнинг ҳаётимиздаги ўрни ҳамда ролини англаш қийин эмас.

Фарзандларимиз тарбиясида муҳим бўғин — мактабгача таълим тизимида катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Кўп йиллар давомида эътибордан четкада бўлиб, деярли маблағ ажратилмай келган ушбу таълим-тарбия соҳаси сўнгги тўрт йил давомида тез суръатлар билан изчил ривожланмоқда. Янги мактабгача таълим ташкилотларини қуриш, мавжудларини таъмирлаш, соҳада давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, тизим ходимларини моддий рағбатлантириш, чекка ҳудудлар учун қатор имтиёз ва енгилликлар жорий этишга давлат томонидан катта маблағлар ажратилди.

Бу ишларнинг натижаси сифатида республикамизда боғчалар сони уч баробар ошиб, болажонларни боғчаларга қамраб олиш даражаси аввалгидан икки баробар ортди. Президентимиз ташаббуси билан янги давлат бошқарув органи — Мактабгача таълим вазирлиги ташкил этилди. Соҳа фаолиятининг ҳуқуқий асоси сифатида Ўзбекистон Республикасининг "Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди.

Эришилган ижобий кўрсаткичларга қарамасдан, соҳада амалга оширилиши керак бўлган вазифалар кўплигига ҳам давлатимиз раҳбари алоҳида тўхталиб ўтди. Жумладан, нодавлат сектори улушини 75 фоизга етказиш, мактабгача таълим қамровини 80 фоиздан ошириш, болалар боғчалари учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш, мактабгача таълимда замонавий ўқитиш шакллари, янги педагогик ҳамда ахборот технологияларини жорий қилиш ишлари ҳозиргача долзарб бўлиб қолмоқда. Ушбу масалаларни ҳал қилишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари амалий ёрдам кўрсатиши ва ижросини таъминлаш юзасидан таъсирчан парламент назоратини йўлга қўйиш белгилаб олинди.

Таълим тизими ташкилотлари учун яқин йилларгача давом этган катта муаммо — ободонлаштириш, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш ва йиғиштириб олиш ишларига ўқувчи-талабалар, мураббий-ўқитувчиларни жалб қилиш ушбу ташкилотларда таълим жараёнини ҳар йили 3-4 ой тўхтатиб, ёшларимизнинг тўлиқ ҳамда сифатли таълим олишига салбий таъсир қилгани ва бу ҳолат халқаро ташкилотларнинг ҳам жиддий эътирозига сабаб бўлиб келгани қайд этилди.

Бундай ҳолатни бартараф қилиш учун давлат раҳбарининг қатъий талаби билан сўнгги уч йилда мамлакатимизда мажбурий меҳнатга қарши муросасиз кураш олиб борилмоқда. Тегишли қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, бюджет ташкилотлари ходимларини, жумладан, ўқувчи-талабалар, мураббий-ўқитувчиларнинг мажбурий меҳнатга жалб этилишига барҳам берилди.

Мамлакатимизда Президент мактаблари, иқтидорли ўқувчилар учун ихтисослаштирилган мактабларнинг очилиши, улардаги таълим жараёни тажрибаси юртимиздаги бошқа умумий ўрта таълим мактаблари учун намуна бўлиб хизмат қилмоқда. Айниқса, математика, кимё, биология фанларини ўқитиш бўйича тўпланаётган бундай қимматли тажрибанинг аҳамияти катта. Президентимиз Қоракўл туманидаги халқаро математика мактабини мисол келтириб, замонавий мактабнинг андозаси сифатида унинг ноёб тажрибасини оммалаштириш зарурлигини таъкидлади ва ҳар бир ҳудудда шу тажриба асосида янги мактабларни қуриш, жиҳозлаш ҳамда уларни замонавий маъно-мазмун ва илм-маърифат билан тўлдириш вазифасини ҳудуд мутасадди раҳбарлари олдига қўйди.

Фарзандларимизнинг 18 ёшгача бўлган даврининг асосий қисми мактаб йилларига тўғри келишини инобатга олсак, ўқувчиларнинг таълим-тарбия олишида синф раҳбарининг ўрни беқиёс. Уларнинг машаққатли ва масъулиятли меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида мамлакатимиздаги 242 минг нафар синф раҳбари учун қўшимча тўлов миқдори бир ярим баробар оширилди. Президент келгуси икки йил давомида мактабларни моддий-техникавий таъминлаш харажатларини икки баробар ошириш, уларни замонавий жиҳоз ҳамда кўргазма қуроллари билан тўлиқ таъминлаш вазифасини қўйди.

Олий Мажлис палаталари келгуси йил бюджетини қабул қилишда ушбу масалага алоҳида эътибор қаратиб, харажатлар лойиҳасини тегишли мактаблар кесимида тўғри ва мақсадли шакллантириши, маблағларнинг манзилли сарфланиши устидан маҳаллий депутатлар билан ҳамкорликда кучли парламент назоратини ўрнатиши зарур.

Мамлакатимиз иқтисодиёти изчиллик билан бозор тамойилларига ўтиб бораётган ҳозирги даврда хусусий таълим ташкилотлари кўламини кенгайтириш, уларга лицензия бериш тартибини соддалаштириш ва соҳада давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш натижасида охирги уч йилда хусусий мактаблар сони олти марта ошиб, 140 тага етди. Бироқ хусусий мактаблар жами мактабларнинг атиги 1,4 фоизини ташкил этиши ушбу йўналишда ҳали катта ишларни амалга ошириш лозимлигини кўрсатади. Бундан кўринадики, Олий Мажлис палаталарининг тегишли қўмиталари мутасадди вазирлик ва идоралар, ҳудудлар билан ҳамкорликда хусусий мактаблар тизимини янада ривожлантириш, уларга зарур ёрдам кўрсатиш, бу йўналишдаги тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш юзасидан қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритиши зарур.

2020 йил охиригача мактабларни кенг полосали интернет тармоғига улаш даражасини 70 фоизга олиб чиқиш ва келгусида бу кўрсаткични 100 фоизга етказиш учун Давлат бюджетидан етарли маблағлар йўналтириш назарда тутилган. Бу масала қуйи палата йиғилишларида депутатлар томонидан жиддий эътирозларга сабаб бўлиб, келгусида ушбу йўналиш бўйича парламент томонидан назорат-таҳлил ишлари кучайтирилади.

Давлат раҳбари мактаб битирувчиларининг аксарияти мактабда олган билимлари билан олийгоҳларга кира олмаётгани, ота-оналар репетитор ёллаб, пул тўлаб болаларини ўқишга тайёрлашга мажбур бўлаётгани ҳақида ҳам куйиниб гапирди. Мактабни битирган ўқувчи олийгоҳга кириши керак ёки мактаб давридаёқ бирор-бир касб-ҳунар асосларини эгаллаши зарур. Лекин бундай натижага эришиш учун таълим тизимида бир қатор муаммоларни ҳал қилиш кераклиги таъкидланди.

Жумладан, умумий таълимнинг Миллий ўқув дастури янги лойиҳасини ишлаб чиқиб, жорий ўқув йили давомида илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларида синовдан ўтказиш, бошланғич синфлардан бошлаб фарзандларимизнинг қизиқиш ҳамда қобилиятларини аниқлаш, келгусида уларни ихтисослаштирилган синфларда ўқитишни давом эттириш тизимини жорий қилиш тегишли мутасадди ташкилотларга вазифа сифатида белгиланди ва навбатдаги ўқув йилидан бошлаб тўртинчи синф битирувчиларини фанлар бўйича саралаш ҳамда йўналтириш тартиби амалиётга киритилади.

Ҳақиқатан ҳам, ҳеч бўлмаганда 10 ва 11-синф ўқувчиларини йигирмага яқин фанларни бир хил талаб билан ўқитишга барҳам бериш, унинг ўрнига битирувчи синф ўқувчиларининг танлаган олий таълим йўналишидан келиб чиқиб, оз сондаги фанларни чуқурлаштирилган ҳолда ўқитиш тизимига ўтиш бугунги куннинг талабига айланган. Акс ҳолда, триллионлаб сўм бюджет маблағлари сарфлангани билан мактаб тизимида кутилган натижага эришиб бўлмайди.

Таълим тизимида босма нашрларнинг муҳим аҳамиятидан келиб чиқиб, учрашувда бундай фаолиятни қўллаб-қувватлаш, хусусан, мактаб ва олийгоҳларни педагогик фаолият учун зарур нашрлар билан таъминлаш, уларнинг кутубхоналарини ўқув ҳамда бадиий адабиётлар билан тўлдириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш вазифалари юкланди.

Ўқувчиларнинг қобилиятини юзага чиқариш, бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган беш муҳим ташаббус, айниқса, мусиқа ва санъат, ахборот технологиялари ҳамда спорт тўгаракларининг фаолиятини янада ривожлантириш, уларни зарур восита ва жиҳозлар билан тўлиқ таъминлаш, шунингдек, халқаро стандартларга мос 725 та профессионал таълим муассасаси — касб-ҳунар мактаби, коллеж ҳамда техникумларнинг фаолиятини йўлга қўйиш бўйича амалга оширилаётган ишлар устидан парламент назорати давом эттирилади.

Мамлакатимизда сўнгги уч йилда олий таълим тизимини илғор халқаро тажриба асосида ривожлантириш, мактаб битирувчиларини олий таълим тизими билан қамровни кенгайтириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. 47 та янги ОТМ ташкил этилди ва уларнинг сони 125 тага етди. Олий таълим ташкилотларининг қабул квотаси аввалги йиллардан икки ярим баробар оширилди, ёшларимизнинг ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олиш ҳуқуқлари таъминланиб, сиртқи ҳамда кечки таълим олиш имконияти яратилди. Жорий йилда қишлоқ жойларда яшаётган, кам таъминланган оилаларга мансуб қизларимиз олий ўқув юртларининг кундузги бўлимида давлат гранти асосида ўқишлари учун 940 та ўрин ажратилди.

Олий ҳамда ўрта махсус профессионал таълим соҳасида сифат кўрсаткичларини изчил ошириб бориш масаласи долзарблигича қолмоқда. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига халқаро меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган кадрларни тайёрлаш, профессионал таълимнинг мазмуни ҳамда сифатини ошириш дастурини ишлаб чиқиш, ҳудудларнинг раҳбарлари эса ўқишни битираётган ёш мутахассисларни муносиб иш билан таъминлаш ҳам шулар жумласидан. Олий таълим тизимида илмий даражали ўқитувчилар улуши ўртача 37 фоиздан ошмаслиги, битирувчиларнинг билим ва малакаси меҳнат бозори талабларига жавоб бермаётгани, илмий лабораторияларини жиҳозлаш, тизимда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш даражаси ҳам танқид қилинди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, илмий-техник дастурлар доирасида тизимда амалга ошириладиган лойиҳалар кўламини уч баробар кенгайтириш, докторантурага қабул квоталарини тўрт марта кўпайтириш, ушбу устувор вазифалар ижроси юзасидан махсус дастур, шунингдек, масъул вазирлик ва идоралар иштирокида Ўзбекистонда илм-фан соҳаларини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш топшириғи берилди.

Эътибор қаратилса, мамлакатимизда яратилган ҳозирги шарт-шароитлар бундан беш юз йил олдинги иккинчи Уйғониш даври бошланишидаги ҳолатдан юз чандон яхшироқ. Буни буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси, халқнинг фидокорона меҳнати эвазига қўлга киритилаётган ютуқларимиз ҳамда амалга ошаётган мақсадларимизни инобатга оладиган бўлсак, юртимизда янги Уйғониш даври — учинчи Ренессанс учун пойдевор яратишга барча имконият мавжудлиги англашилади.

Президентимиз таъбири билан айтганда, ушбу эзгу мақсадларимизга эришиш қанчалик мураккаб ва машаққатли бўлмасин, шу йўлда ягона куч бўлиб бирлашсак, порлоқ келажак сари интилсак, астойдил ҳаракат қилсак, ҳар қандай баланд маррани эгаллаш қўлимиздан келиши тарихий исботланган ҳақиқатдир.

**Эркин ЗОҲИДОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг**
**Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси.**

ЭЪЛОНЛАР


## «ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК
**онлайн-аукцион савдоларига таклиф қилади.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонасининг Жиззах вилояти бошқармаси билан 2018 йилнинг 30 ноябрида тузилган 268/2018-03-сонли шартномага асосан https://www.e-auksion.uz электрон манзилидаги электрон савдо майдончасида **2020 йилнинг 30 октябрь ва 2 ноябрь кунлари** ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига «Республика инкассация хизмати» ДУК Жиззах вилояти бошқармасининг қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилган:

| Т/р | Автотранспорт русуми | Ишлаб чиқарилган йили | Давлат рақами | Лот рақами | Аукцион санаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | «УАЗ-3163-121» | 2010 | 25 356 KAA | 0310889 | 30.10.2020 |
| 2. | «LACETTI» | 2010 | 25 494 LAA | 0312588 | 30.10.2020 |
| 3. | «УАЗ-315142012» | 2008 | 25 120 BAA | 0312757 | 30.10.2020 |
| 4. | «ГАЗ 2705-34» | 2004 | 25 078 FAA | 0312641 | 30.10.2020 |
| 5. | «УАЗ-315142012» | 2001 | 25 146 BAA | 0312758 | 30.10.2020 |
| 6. | «УАЗ-315142012» | 2008 | 25 151 BAA | 0312760 | 30.10.2020 |
| 7. | «УАЗ-315142012» | 2006 | 25 594 GAA | 0312761 | 30.10.2020 |
| 8. | «УАЗ-315142012» | 2006 | 25 132 BAA | 0312762 | 30.10.2020 |
| 9. | «УАЗ-315142012» | 2009 | 25 315 BAA | 0312764 | 30.10.2020 |
| 10. | «УАЗ-315142012» | 2009 | 25 312 BAA | 0312866 | 30.10.2020 |
| 11. | «ГАЗ −52» (бензавоз-ёнилғи ташувчи) | 1984 | 25 115 BAA | 0310890 | 30.10.2020 |
| 12. | «УАЗ-315142012» | 2006 | 25 117 BAA | 0313101 | 02.11.2020 |
| 13. | «УАЗ-315142012» | 2009 | 25 314 BAA | 0313285 | 02.11.2020 |
| 14. | «УАЗ-315142012» | 2006 | 25 130 BAA | 0313286 | 02.11.2020 |
| 15. | «УАЗ-315142017» | 2006 | 25 131 BAA | 0316876 | 02.11.2020 |
| 16. | «УАЗ-3909» | 2001 | 25 134 BAA | 0313287 | 02.11.2020 |
| 17. | «NEXIA» | 2009 | 25 495 NAA | 0312587 | 02.11.2020 |
| 18. | «УАЗ-315142012» | 2005 | 25 133 BAA | 0313288 | 02.11.2020 |
| 19. | «УАЗ-315142012» | 2009 | 25 309 BAA | 0313289 | 02.11.2020 |
| 20. | «УАЗ-315142012» | 2008 | 25 149 BAA | 0313290 | 02.11.2020 |
| 21. | «УАЗ-315142012» | 2009 | 25 821 GAA | 0313291 | 02.11.2020 |
| 22. | «УАЗ-315142012» | 2009 | 25 310 BAA | 0313292 | 02.11.2020 |
| 23. | «УАЗ-315142012» | 2008 | 25 540 JAA | 0313293 | 02.11.2020 |
| 24. | «УАЗ-3909» | 2001 | 25 118 BAA | 0313294 | 02.11.2020 |

**Автотранспортлар сақланаётган манзил:**
**Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, О. Азимов кўчаси, «Республика инкассация хизмати» ДУК Жиззах вилояти бошқармаси автогаражи.**

***Талабгорлар диққатига!***

Аукцион савдоларида иштирок этиш — **«E-IJRO AUKSION»** ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.

496J/

## «ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК
**онлайн-аукцион савдосига таклиф қилади.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонаси Навоий вилояти бошқармаси билан 2018 йилнинг 30 ноябрида тузилган 243/2018-04-2 қўшимча шартномага асосан https://www.e-auksion.uz электрон манзилидаги электрон савдо майдончасида **2020 йилнинг 31 октябригача** савдода иштирок этиш истагида бўлган талабгорлардан аризалар қабул қилинади. **2020 йилнинг 2 ноябрь куни** эса «Республика инкассация хизмати» ДУК Навоий вилояти бошқармасининг қуйидаги автотранспорт воситалари очиқ аукцион савдоси ўтказилади:

| Т/р | Автотранспорт русуми | Ишлаб чиқарилган йили | Давлат рақами | Лот рақами |
|---|---|---|---|---|
| 1. | «УАЗ-315142-012» | 2006 | 85 473 CAA | 0311187 |
| 2. | «УАЗ-315142-012» | 2006 | 85 479 CAA | 0311198 |
| 3. | «УАЗ-315142-012» | 2009 | 85 152 EAA | 0311191 |
| 4. | «УАЗ-315142-012» | 2009 | 85 153 EAA | 0311192 |
| 5. | «УАЗ-315142-012» | 2006 | 85 326 OAA | 0316226 |
| 6. | «УАЗ-315142-012» | 2009 | 85 687 OAA | 0316230 |
| 7. | «Nexia Dons» | 2009 | 85 177 EAA | 0316231 |
| 8. | «УАЗ-315142-012» | 2008 | 85 462 CAA | 0316228 |
| 9. | «УАЗ-315142-012» | 2008 | 85 461 CAA | 0311251 |
| 10. | «УАЗ-315142-012» | 2008 | 85 469 CAA | 0311232 |
| 11. | «УАЗ-315142-012» | 2003 | 85 468 CAA | 0311252 |
| 12. | «УАЗ-315142-017» | 2003 | 85 464 CAA | 0316229 |
| 13. | «УАЗ-315142-012» | 2009 | 85 154 EAA | 0311193 |
| 14. | «УАЗ-315142-012» | 2009 | 85 902 CAA | 0311231 |
| 15. | «УАЗ-315142-012» | 2006 | 85 478 CAA | 0311188 |

**Автотранспортлар сақланаётган манзил:**
**Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Ғалаба шоҳкўчаси, 220-уй.**

| Т/р | Автотранспорт русуми | Ишлаб чиқарилган йили | Давлат рақами | Лот рақами |
|---|---|---|---|---|
| 1. | «УАЗ-31514-017» | 2003 | 85 142 DAA | 0311253 |
| 2. | «УАЗ-315142-012» | 2005 | 85 139 DAA | 0311254 |
| 3. | «УАЗ-315142-012» | 2009 | 85 814 DAA | 0311255 |
| 4. | «УАЗ-315142-012» | 2006 | 85 151 DAA | 0316227 |
| 5. | «УАЗ-315142-012» | 2006 | 85 838 BAA | 0311256 |
| 6. | «ГАЗель-2705-34» | 2008 | 85 150 DAA | 0317047 |

**Автотранспортлар сақланаётган манзил:**
**Навоий вилояти, Зарафшон шаҳри, 2-кичик туман «Ипотека-банк» биносида.**

***Талабгорлар диққатига!***

Аукцион савдосида иштирок этиш — **«E-IJRO AUKSION»** ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.

495J/

# МИЛЛАТ РУҲИ ВА ЖАМИЯТ УЙҒОҚЛИГИ КЎЗГУСИ

◄1 Давлат тили ҳақидаги Қонун талабларини амалга ошириш борасида анча хайрли ишлар қилинган, жиддий натижаларга эришилган бўлса-да, Қонун амалиётида сусткашликка йўл қўйилаётганининг бош сабаби аслида ана шу шошилинч, яширин ўзгаришларнинг қилингани билан изоҳланади.

**Биринчидан,** давлат тили ҳақидаги 1995 йилги Қонунда ўзбек тилини ўрганиш заруриятини белгилайдиган ёки унга рағбатни оширадиган бирор банд мавжуд эмас. Қонунга кўра, фуқаролар миллатлараро муомала тилини ўз хоҳишларига кўра танлаш ҳуқуқига эга. Бу дегани ўзбек тилининг жамиятда ҳеч қандай зарурияти йўқ, дегани. 1995 йилги Қонунда Ўзбекистон фуқароларининг давлат тилини билиши, ўрганиши шартлиги бирор нуқтада қайд этилмаган. Шунингдек, бирон давлат идорасига ишга кириш ёки расмий тайинловларда давлат тилини билиш шарти белгиланмаган. Қисқаси, бу ифодалар бошқарув соҳасида ва расмий муомалада урф бўлган рус тилининг мавқеини мустаҳкамлаб, расмийлаштириб берган холос.

**Иккинчидан,** турли маъмурий идора ҳамда муассасалар она тилимизнинг тўлиқ ва мукаммал ҳолда жорий этилишига лоқайдлик билан қараб келмоқда. Жумладан, ички ишлар соҳаларида давлат тилига эътиборсизлик учраб турибди. Ёки турли ташкилотлардан аҳолига келадиган огоҳлантириш ёки қарзни тўлаш ҳақидаги огоҳлантириш хатлари йигирма йилларки, асосан, рус тилида жўнатилади.

**Учинчидан,** четдан кираётган сўз, атама ва истилоҳларни ишлаш бутунлай бўшашиб кетган. Кейинги йилларда буткул тўхтаб ҳам қолди. Сўзлар тақдири — сўз, атама, истилоҳ, мафҳум ва муъламани теран англамайдиган, ҳис этмайдиган кишилар қўлига ўтиб кетди. Ҳеч бир қонун давлат тили ҳақидаги Қонундек беқадр бўлмаган *(Қаранг.: Мирзо Кенжабек, "Парчаланмас бир диёр — ўзбек тили" (https://uza.uz).*

Афсуски, кўплаб раҳбар шахсларнинг нутқи, гапириши ўзбекча бўлса ҳам, лекин тафаккур тарзи русча эканлиги кўзга ташланади. Кўплаб муаммоларни юзага келтираётган энг дардли масалалардан бири фикрлаш, тафаккур тарзи билан боғлиқ жараёндир.

1989 йил 21 октябрда қабул қилинган "Давлат тили тўғрисида"ги Қонун "янги таҳрир"га учраган бўлса-да, қонундан халқимиз, миллатимиз ҳаёти учун сув билан ҳаводек зарур бўлган моддаларнинг чиқариб ташланганини қандай тушуниш мумкин?

Далилларга юзланайлик: аввалги Қонуннинг 1-моддасида давлат тили ўзбек тили эканлиги белгиланиб, "Ўзбекистон Республикаси ўзбек тилини бутун чоралар билан ривожлантиради ва унинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг барча соҳаларида тўлиқ амал қилишини таъминлайди" деган банд бўлган. 1995 йил 21 декабрдаги Қонунда бўлса, мазкур модда олиб ташланган. 4-моддада: "Ўз фаолиятига кўра аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ шахслар хизмат вазифасини бажариш учун *давлат тилини зарур бўлган даражада билишлари* лозим" деб ёзилган. "Янги таҳрир"да эса бу банддан воз кечилган. Ўзбек тилининг нима учун 30 йил ичида анча хароб аҳволга тушиб қолганининг сабабларидан бири шу бўлса, ажаб эмас.

Буни қарангки, 1989 йил 21 октябрдаги Қонуннинг 16-моддасида *"Араб алифбосига асосланган қадимий ўзбек ёзуви"ни ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида ўргатиш*, унинг "ўқув фанларидан бири сифатида ўқитиш таъминланади" деб ёзилган ва "бунинг учун илмий-педагогик кадрлар тайёрланиши", бу ёзувда "ўқув қўлланмалари, китоблар, газета ва журналлар нашр этилиши" белгиланган эди. 1995 йил 21 декабрдаги Қонунда ушбу модда бутунлай йўқ қилинган. Халқни ўз аслиятидан узоқлаштиришга, қадимий манбаидан маҳрум этишга қандай қилиб журъат этишди экан?!

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида: "Давлат тили ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан такомиллаштирган ҳолда янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин", деб кўрсатилган. Олимларимизнинг уқтиришича, янги таҳрирдаги бўлажак Қонунга **ўзбек халқининг ўн икки — ўн тўрт асрлик маънавий-маърифий, илмий-маданий ва бадиий хазиналарини ўзида жамлаган араб алифбоси асосидаги қадимий ўзбек ёзувини ўргатиш** масаласи ҳам тикланиши зарур. Сабаб? Ҳозирги кунда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида ўн минглаб ноёб дурдона манбалар ўрганилмай эгасини кутиб ётибди.

Жаҳон тарихида ҳеч бир миллат ёзув борасида ўзбек халқидек буюк мусибатга учрамаган. Бу қадимий халқ XX асрда уч марта имло инқилобини бошидан кечирди. Араб ёзуви VIII асрдан бошлаб XX асрнинг 1929 йилигача, эски туркий (ўзбек) ёзуви сифатида XI асрдан 1929 йилгача, демак, араб ёзувида 12 аср, эски туркий ёзувида 10 аср қўлланилган. Халқимизнинг жаҳон тарихидаги энг шарафли, энг буюк, энг ўлмас илмий-ижодий асарлари аслида шу ёзувда битилгани ҳақиқат. Имло — миллатнинг тақдири, тарихий меросининг тили ва келажакнинг пойдевори! Энди навбатдаги хатога йўл қўйишга асло ҳаққимиз йўқ. Миллат ҳаётини, таълим тизимини тажриба, синовларга сарфлаб, асл мақсаддан чекинмаслик керак.

Бугунги кунда Алишер Навоий асарлари луғати, Бобур асарлари луғати, ҳатто Машраб шеърияти, Абдулла Қодирий асарлари луғатини тартибга келтириш фурсати аллақачон етиб келган. Фикримизча, ўзбек тилининг имло луғати ва изоҳли луғатини буткул қайтадан тузиш, унда Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий ижодидан тортиб то бугунги кунгача бўлган сўз хазиналарини жамлаш лозим. Луғатларнинг ҳаммасини янгича руҳ ҳамда қарашлар асосида тузиш, бу эзгу ишларга истеъдодли ва илмли ёш олимларни жалб этиш даркор.

## Муаммолар ўзимизники, уни ечиш ҳам қўлимизда

Юқоридаги муаммолардан англашимизча, ўзбек тилига давлат мақоми берилганидан кейин орадан 30 йил вақт ўтса ҳамки, она тилимиз том маънода ўз мавқеига, юксак мақомига эга бўла олмади. Нега бундай бўлди, деган ҳақли савол туғилади.

**Биринчидан,** Қонун талабига кўра, давлат идораларида фаолият юритиб, ўзбек тилини билмайдиган инсонларга давлат тилини ўзлаштириши учун берилган муддат ўтиб кетганига қарамасдан, улар ҳамон бемалол ишлашмоқда.

**Иккинчидан,** телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситаларида адабий тилда эмас, балки шевада гаплашиш одатга айланиб бормоқда.

**Учинчидан,** кўчаларда, оммавий жойларда, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида "Давлат тили ҳақида"ги Қонун талаблари қўпол бузилмоқда, жумладан, ҳар хил афиша, реклама, эълонлар бошқа тилларда ёзилиш ҳолатлари ҳар қадамда учрайди, шунингдек, давлат тилидаги ёзувларда кўп хатоликларга йўл қўйилмоқда. Соф адабий тилда бирор фикр уйғотувчи шиор, чақириқларни кўрмаймиз.

Биз тилимизга давлат мақоми берилган 21 октябрь кунида ҳар йили қандайдир тадбир ўтказиш билан чекланяпмиз, амалда тилимиз ривожига эътиборсиз, лоқайд бўлиб бормоқдамиз. Тил миллатнинг асосий белгиси бўлиб, унга аҳамият бермаслик миллатга, элга бефарқликдир. Ўз миллатини, юртини эъзозлаган ҳар бир киши она тилини улуғлайди. **Миллий ғурури бўлган инсон ўз она тилида равон сўзлаша олиши ва ёза билиши шарт.** Қанча кўп тил билсангиз, шунча яхши, лекин биринчи навбатда, она тилини яхши билмоқ ҳам зарур, яъни бошқа тилларни билишимиз ўз она тилимизни камситиш ҳисобига бўлмаслиги керак.

Давлат тилининг эътиборсиз қолаётганлиги боиси шуки, тирикчилик ташвишлари ва бошқа омиллар таъсирида ёши катталар, хусусан, ёшларимиз орасида китоб ўқишга, илм олишга иштиёқ анча сусайди. Китоб, газета, журнал мутолаа қилмаган инсоннинг тил бойлиги чекланиб, у маиший даражада ишлатиладиган сўзлардан нарига ўтолмайди. Билимни, маърифатни, кенг фикрли бўлишнинг асосий омили китоб — баланд чўққини эгаллашга қўйилган нарвон. Бадиий, ўқув, илмий китобни ўқиш нафақат дунёқарашни кенгайтиради, балки дунёвий, диний саводхонлигимизни ошириб, ёзма ва оғзаки нутқнинг бойишига олиб келади.

Бугунги кунда русча сўзларни ишлатиш таомилга кириб бормоқда. Атоқли олимлар, адабиёт арбоблари, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиларининг таъкидича, она тилимизда яхши андозаси бўлган баъзи сўзлар хорижий номида таомилга киритилмоқда: департамент — бошқарма, идора, бирлашма; комиссия — ҳайъат; коммуникация — жамлама, боғлам, хабар алмашув (жараёни); концепция — мақсадлар низоми, мақсадлар таркиби, йўналишлар тизими, қоидалар тизими; монитор — кузатувчи, огоҳлантирувчи; мониторинг — кузатув; мораторий — тўхтатув, камайтирув; орган — идора, муассаса, ташкилот (давлат идоралари, давлат муассасалари); термин — атама, истилоҳ; штат — иш ўрни, хизмат ўрни.

Хуллас, бу рўйхатни истаганча давом эттириш мумкин. Ҳамма гап бошқа маъно келиб чиқиши ва ўша сўзларнинг халқимиз онгига сингиб кетишидан сақланишдан иборат.

Бугунги кунда тил тараққиётидаги муаммо ва зиддиятлар Евросиё минтақасидагина эмас, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларида учрайди. Ҳозирги кунда қандайдир ноодатий шевада, яъни охиригача ўрганилмаган рус тили, ёддан чиқиб бораётган рус тили, рекламалардаги инглиз тили ва ахборот-технологиялари виртуал тилида сўзлашувчи кишилар пайдо бўлмоқда. Она тилига бўлган ҳар қандай ижобий ёки салбий муносабат муқаррар равишда миллий ғурурга, менталитетга сезиларли даражада таъсир этади. Агар **она тилига эътибор сусая бошласа, ўзига хос нигилизм** (лот. nihil — "ҳеч нима" — мавжуд ижтимоий ҳаёт шакли ва ахлоқий нормаларни, маданий мерос ҳамда идеалларни инкор этиш) **кучаяди,** ёшлар ўз аждодларининг маданий-тарихий меросини аста-секин унута бошлайди, кишиларнинг онгида аста-секин номукаммаллик туйғулари бош кўтаради.

Энг даҳшатлиси, тилни йўқотиш ёки нуфузини пасайтириш туфайли миллатнинг генетик коди ҳам ўзгара бошлайди.

## Ўзбек тилини юрт фуқаролари билиши зарурми?

Албатта. Шу мамлакатда яшаган барча миллат, элат вакиллари ўзбек тилини, маҳаллий халқнинг адабиёти ва санъатини, бой тарихини, илмий меросини билиши бугунги даврнинг талаби. Бунинг акси бўлса-чи? Унда неча йиллаб нони, тузини еган ерлик аҳолига, миллат шаънига қайсидир маънода беодоблик, ҳурматсизлик қилингани англашилади. Ахир Америкага, Германияга бориб яшаётган турк, ҳинд, хитойлик, эронлик иш фаолияти юришиб кетишини истаб, инглиз, немис тилларини махсус ўрганади-ку. Ёки нотўғрими? Назаримизда, бугунги талаб ва инсоний эҳтиёжларни (биз шу туйғуни шакллантира олмаяпмиз, сабаби қонун ҳамда идора ҳужжатлари бунга имкон қолдирмаган) чуқур ўрганиб, давлат тилини билмаганлар учун тил ўргатиш курсларини бепул ташкил этишимиз лозим.

Хабарингиз бор, 2019 йилда бир гуруҳ "зиёлилар" "Вести.уз" интернет сайтида Ўзбекистонда рус тилини расмий тил даражасига кўтариш, "Давлат тили ҳақида"ги Қонунга ўзгартиш киритиб, унга ўзбек тили каби ҳуқуқий мақом бериш таклифи билан чиқишди. Албатта, кутилмаган бу чиқиш миллатимиз илғорлари, зиёлилар томонидан норозиликларга сабаб бўлди...

Мана, тил муаммосида "бўшлиқ" қолдирганимиз нима оқибатларга олиб келди?! Аслида рус тилига Ўзбекистонда расмий тил мақоми берилиши миллий давлатчилик илдизига путур етказишига олиб келишидан хатга имзо қўйганлар бехабармиди? Ҳар қандай давлатнинг негизида, тубзаминида тил туришини билишмасмиди? Билишарди! "Рус тили бизга бегона эмас", деб хат чиқарган зиёлиларнинг ортида қайсидир давлат сиёсатдонлари турișса, асло ажабланманг. Глобаллашув даврида бундай сиёсий "ўйин"лар, шахмат тахтаси устида от суришлар (З. Бжезинский) содир бўлиб туради.

Шу ўринда яна бир муаммога тўхталиб ўтишимизга тўғри келади. Қўшни давлатларнинг қонунлари матни билан танишган таниқли адабиётшунос олим Зуҳриддин Исомиддинов ЎзАда эълон қилинган "Ўзингдан чиққан балога..." номли мақоласида қонунимизнинг ўзи номукаммал эканини куйиниб ёзади: "Ўзбекистонда давлат тили тўғрисидаги қонун 5.187 белгидан иборат бўлса, Қозоғистонда 15.013 белги, Озарбайжонда 12.000, Туркманистонда 15.468, Қирғизистонда 14.063, Тожикистонда 8.600, Россия Федерациясининг давлат тили тўғрисидаги қонуни 10.158 белгидан иборат. Қаранг, Марказий Осиёдаги энг "кичкина" қонун шу минтақадаги энг катта давлатга тегишли бўлиб чиқяпти".

Демак, бу хатоликни шу кунларда тўғрилаб қўйиш фурсати етибди.

## Тил захирамизни бойитамиз

Бугунги кунда ўзбек тилини дунё бўйича 30 миллиондан кўпроқ одамлар она тили, деб билади; иккинчи тил сифатида биладиганлар ҳисобига бу сон 50 миллионга етади. Тожикистон, Афғонистон, Қирғизистонда миллионлаб ўзбеклар яшайди; Қозоғистон, Туркманистон, Россияда ҳам кўпчилик; Туркия, Саудия Арабистони, Покистон, АҚШ, Жанубий Кореядаги диаспораларни қўшсак, қолаверса, ўзбек тилининг Шинжон-Уйғур мухтор ўлкасига маданий таъсирини инобатга олсак, ўзбек тилининг асосий минтақавий тил бўлишга етарли ресурслар мавжудлигини ҳис қиламиз.



Носир ХАЙДАРОВ олган сурат.

Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон ниҳоятда улкан тил ресурсига эга. Мумтоз адабиётимизга оид тадқиқотлар кўлами кенгайиб бормоқда. Сўнгги йилларда Алишер Навоийнинг 20 жилдлик мукаммал асарлари тўплами, 5 жилдлик "Ўзбек тилининг изоҳли луғати" (80 мингдан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси, фан, техника, санъат, маданият соҳаларига оид атамалар, шева сўзлари, тарихий терминлар), "Ўзбек тилининг имло луғати" чоп этилгани, Халқ таълими вазирлиги томонидан октябрь ойида юртимиздаги барча умумтаълим мактабларида ўзбек тили ва адабиёти фани бўйича фан ойлиги, мактабларда "Она тилим — фахрим, ғururim", "Тил — миллат кўзгуси" мавзуларида иншолар танлови ўтказилаётгани, "Ўзбек тилини ўқитиш методикаси", "Она тили таълимида узвийлик", "Нутқ маданиятини ўрганиш", "Тил ва адабиёт ўқитувчиларининг вазифалари", "Ўзбек тили" (мустақил ўрганувчилар учун), "Она тили фанидан плакатлар тўплами", "Ўзбек тили фанидан адабий-маърифий матнлар тўплами", "Нутқ маданияти" каби қатор қўлланмалар яратилгани таълим тизимидаги ижобий воқеалардир. Аммо назаримизда, ўқувчиларнинг ёзма саводхонлигини ошириш, она тили ва адабиёт фанини ривожлантириш учун икки тиллик сўзлашувлар луғатларини чиқариш, боғча, мактабларда тўғри, равон сўзлаш маданиятини шакллантириш каби масалалар олдимизда турибди.

Мавриди келганда, анчадан буён ечимини кутиб турган бир муаммони ҳам айтиб ўтишга тўғри келади. Ўзбек тили бўйича дарсликларни XX аср бошидан тўлалигича рус тилшунослигига, рус тили қоидаларига бўйсунган ҳолда яратишга киришилган. Масалан, 1939 йилда О. Усмонов ва Б. Авезов ҳаммуаллифлигидаги "Ўзбек тили грамматикаси" китоби чиқади. **Бу дарслик С. Г. Бархурдаров ва Е. И. Доисковнинг "Грамматика русского языка" китоби асосида тузилди.** Бу китобда ўзбек тили назарияси илк бор биз **ҳозир ўқиётган кўринишга келтирилди**. "Рус тилидаги қоидалар ўзбек тилига кўр-кўрона жорий этилди", — дейди ёш олим Элдор Асанов. — Масалан, рус тилида олтита келишик борлиги учун ўзбек тилида ҳам келишиклар сони олтита қилиб белгиланди. Сўз туркумларининг категориялари ва турлари рус тилидагига мосланди. Чет эл сўзлари рус тили орқали олиниши ва рус тили фонетикаси бўйича талаффуз этилиши белгиланди".

Ана холос. Мана шу 80 йил муқаддам сунъий йўл билан яратилган тил қоидалари ҳалигача "тўғри ўзбек тили" сифатида кўрилмоқда. Мазкур қоидалар асосида ёзмаганлар ва гапирмаганлар "саводсиз" деб ҳақорат қилинади. Қоидаларни ўзгартириш, янгилаш, замонавийлаштириш эса "тилни бузиш" деб баҳоланади. Ҳа, ўзбек тили таълимидаги катта муаммолар илдизи совет даврига бориб тақалади. У давр методикалари янгиланмаслиги эса мутахассис ҳамда зиёлиларнинг консервативлиги, замонавий илмий муҳокамалар ўзбек академик фанида қабул қилинмаётгани, соҳада етарлича маблағ йўқлиги билан белгиланади, назаримизда.

Хўш, тилимизнинг халқаро нуфузини кўтариш йўлида нима қилишимиз керак?

Назаримизда, диаспора ва ирредենталарни маданий қўллаб-қувватлаш, бутун дунёда ўзбек тили ва маданияти ўрганилишини, ўзбек тили кафедралари очилишини молиялаштириш, тилга оид халқаро конференцияларни ташкил этиш, ўзбек мутахассисларининг мобиллигини ошириш, ўзбек тилидаги сифатли, халқаро аҳамиятга эга контентни кўпайтириш, хорижликларнинг ўзбек тилини ўрганишини рағбатлантириш, минтақада Ўзбекистон бизнеси қамровини кенгайтириб, ўзбек тилини унинг асосий тилига айлантириш (дейлик, Жанубий Корея, Россиядаги қўшма корхоналар ходимлари ёки уларнинг филиаллари ишчиларига ўзбек тилини ўргатиш) навбатдаги амалий тадбирларимиз қаторига киради. Албатта, бу ташкилий-ҳуқуқий ишларни бирданига эмас, қадамба-қадам рўёбга чиқарса бўлади. Мисол учун, ҳозирнинг ўзида жаҳоннинг 60 дан зиёд олий ўқув юртларида, жумладан, Кембриж, Пекин, Токио, Нью-Йорк, Сеул университетларида ўзбек тили махсус ўқитилади.

## Хулоса ўрнида

Сўзимиз якунида ўзбек тили ривожига оид баъзи таклифларимизни келтириб ўтиш жоиз: биринчидан, интернетда ўзбекча контентни кескин кўпайтириш (Википедия, Google), иккинчидан, ўзбек тилидаги веб-сайтлар, электрон кутубхоналар сонини, сифатини янада ошириш; учинчидан, миллий кино ва театр, адабиёт ҳамда санъат соҳасида янги руҳ ва юқори савиядаги (Тоғай Мурод асарлари янглиғ) бадиий асарларни кўпайтириш; тўртинчидан, кўчаларимиз пештахталаридаги ёзувларни танқидий кўриб чиқиш...

Ва ниҳоят, юқорида таъкидлаганимиздек, ҳозирги вақтда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида ўн минглаб ноёб дурдона манбалар ўрганилмай ўз эгасини кутиб турибди. Араб, форс тилида ёзилган қўлёзмаларни ўрганиш, китоб ҳолида нашр этиш, уни халқимизга ва жаҳон оммасига, илм-фан аҳлига етказишда етук мутахассислар етишмайди. Ана шу ўта муҳим масалага ечим топиш мақсадида **Матншунослик ва манбашунослик институтини очишни мақсадга мувофиқ,** деб ҳисоблаймиз.

2020 йил бошидан Вазирлар Маҳкамасида Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил этилиб, унинг қошида Атамалар комиссияси фаолиятини бошлагани, вазирлик ва идораларда давлат тили бўйича раҳбар маслаҳатчилари лавозими жорий қилингани бу борада ташланган ижобий қадамлардир. Шунингдек, "Давлат тили ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан такомиллаштирган ҳолда янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқишга киришилди. Демак, янги Қонун халқимиз узоқ йиллардан бери орзиқиб кутган, ўзбек миллати обрў-нуфузини кўтаришга хизмат қиладиган юксак даражадаги мукаммал ҳужжат бўлади, деб ишонамиз.

Қолаверса, 1939 йилдаги камчиликни бартараф этиб, ўзбек тилида миллий методикани тезликда ишлаб чиқиш зарурати кучайган. Бунинг учун тилшуносларимиз ниҳоятда катта назарий иш олиб бориши, улкан фактик материални тўплаши, кўплаб дарсликлар, луғатлар, тезауруслар, матн корпусларини яратиши, фундаментал лингвистикани ривожлантириши талаб этилади. Бугунги ўзбек тилшунослигида ва ўзбек маданиятида тилни доимий янгилаб, ўзгартириб бориш тарафдорлари у қадар етарли эмаслигини ҳам биламиз, аксинча, эски қоидаларга ёпишиб олиб, уларни ҳаммага мажбурлаб ўргатувчилар топилади. **Тил — доимий ўзгариб борадиган динамик ҳодиса** эканлигини дилдан ҳис қилиб, уни замон эҳтиёжлари ҳамда халқ тилидаги ўзгаришларга қараб доимий равишда янгилаб бориш зарурати мавжудлигини унутмайлик.

Зеро, ота-боболаримиз айтганидек, она тили — миллат руҳи ва жамият уйғоқлигининг кўзгусидир.

**Бахтиёр ОМОНОВ,**
**Тошкент ахборот технологиялари университети профессори, сиёсий фанлар доктори.**

# ЭЛГА ҲУРМАТ ТИЛГА ЭЪТИБОРДАН БОШЛАНАДИ

*Тил миллат кўзгуси, унинг ғурури, тафаккур манбаи. XX аср бошида олти тилли — ўзбек, араб, форс, ҳинд, турк ва рус тилларида луғат тузган буюк маърифатпарвар бобомиз Исҳоқхон Ибрат ёзганидек, "Бизнинг ёшлар албатта бошқа тилни билиш учун саъй-ҳаракат қилсинлар, лекин аввал ўз она тилини кўзларига тўтиё қилиб, эҳтиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат — бу ватаний ишдир".*

Ҳозирги кунда Ер юзида 7 мингдан зиёд тиллар мавжуд бўлса, уларнинг фақат 200 га яқини давлат тили ёки расмий тил мақомига эга. Давлат тили мақомини олган шу икки юзга яқин тиллар орасида она тилимизнинг борлигидан қанча ғурурлансак шунча кам.

Ўзбек тили дунёдаги энг бой ва чуқур тарихий илдизларга эга бўлган буюк тиллардан. Ўзбек тилининг жозибаси момоларимиз алласи, мақомларимиз, эртак ва афсоналаримиз, достонларимизнинг сеҳрли сатрларида, жилоли оҳангларида акс этган. Тарихга назар солсак, буюк аждодларимиз, ота-боболаримиз айнан она тилимиз орқали жаҳонга ўз сўзини айтган ҳамда нодир маънавий мерос, қадриятларимизга асос солганлигига гувоҳ бўламиз.

Жасур ва матонатли халқимиз ҳар қандай зулм ҳамда зўравонликларга қарамасдан, ўз она тилини — миллий ғururini сақлаб қолди. Қанчалик оғир бўлмасин уни ривожлантириб, бугунги авлодларга безавол етказиб берди.

Ушбу қутлуғ айём, 1989 йил 21 октябрь санаси — "Давлат тили ҳақида"ги Қонун қабул қилинган кун маънавий жасорат, эзгу мақсадлар рўёби бўлгани билан ҳам аҳамиятлидир. Илм-фан, техника ақлбовар қилмас даражада ривож топганига қарамасдан, дунё ҳамжамияти сайёрамизда нечта тил борлиги ҳақида аниқ маълумотга эга эмас. Баъзи маълумотларга кўра, дунё тилларининг сони 7 мингдан ошади. Мазкур тиллардан 14 тасида инсониятнинг учдан икки қисми гаплашади. Ушбу тилларнинг ҳар бирида сўзлашадиганлар сони эса 50 миллиондан зиёд. Дунёдаги 70 тилда гаплашадиганлар 5 миллиондан кўп бўлса, қолган тилларда мулоқот қиладиганлар 1 миллиондан кам.

Уларнинг фақат 200 га яқини давлат тили ёки расмий тил мақомига эга. Шу нуқтаи назардан қараганда, ўзбек тилига давлат тили мақомини ҳуқуқий жиҳатдан муҳрлаб берган мазкур қонуннинг халқимиз ҳаётидаги ўрни беқиёсдир. Бундай нуфузга эга бўлган ўзбек тили асрлар синовидан ўтган, қиёмига етган ва бошқаларга ибрат бўла оладиган тил саналади. Бугун Ўзбекистон ҳукумати томонидан олиб борилаётган сиёсат буни амалда кўрсатмоқда.

Мамлакатимизнинг Асосий Қонуни — Конституциямизнинг ўзбек тилида яратилиши унинг нуфузини янада юксалтирди. Юртимиз бўйлаб ҳамда халқаро майдонларда она тилимизда янграётган Давлат мадҳияси ҳам қалбларимизда Ватан туйғусини жўш урдиради. Улуғ маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний таъкидлаганидек, ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойинаи ҳаёти, бу, унинг миллий тили ва адабиётидир.

> *Дунёга назар солсак, ўзбек тили ривожланган давлатларнинг 60 га яқин университетларида ҳамда 100 дан зиёд мактабларида ўрганилиб келинаётгани бизга ғурур бағишлайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига биноан "Давлат тили ҳақида"ги Қонун қабул қилинган куннинг улкан тарихий ўрни ҳамда аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, 21 октябрь санаси юртимизда "Ўзбек тили байрами куни" деб белгиланиши халқимизнинг миллий руҳи ва ғururini юксалтириш билан бирга, давлат тилининг ҳаётимизда тўлақонли жорий этилишига хизмат қилади.*

Ўзбек тили давлат тили сифатида сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётимизда фаол қўлланмоқда, халқаро минбарларда баралла янграмоқда. Ўзбек тилининг чинакам жонкуярлари хотирасига бағишланган ёдгорликлар мажмуаси — Адиблар хиёбони фарзандларимиз тарбиясида катта аҳамиятга эгадир. Дунёга назар солсак, ўзбек тили ривожланган давлатларнинг 60 га яқин университетларида ҳамда 100 дан зиёд мактабларида ўрганилиб келинаётгани бизга ғурур бағишлайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонига биноан "Давлат тили ҳақида"ги Қонун қабул қилинган куннинг улкан тарихий ўрни ҳамда аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, 21 октябрь санаси юртимизда "Ўзбек тили байрами куни" деб белгиланиши халқимизнинг миллий руҳи ва ғururini юксалтириш билан бирга, давлат тилининг ҳаётимизда тўлақонли жорий этилишига хизмат қилади. Зеро, давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаганидек, "дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашни мақсад қилиб қўйган ҳар қайси давлат, аввало, ўз халқининг миллий тили ва маданиятини асраб-авайлашга, ривожлантиришга интилади".

Тил — миллат руҳи. Миллатнинг маданияти, маънавияти ва тарихи инъикоси. Ўзлигини белгилаб берадиган, унинг яшаб қолишини белгилайдиган муҳим мезонлардан бири. Энг катта хиёнат эътиқодга бўлган хиёнатдир. Эътиқодимизнинг узвий бир жиҳати ҳам тилимизга бўлган эътиборимиз билан-дир. Она тилимиз юртимиздаги қадим ҳамда муқаддас, мўъжизавий булоқлардек тоза ва мусаффо, истеъмолга доим яроқли бўлиши шарт. Унинг ички имкониятлари чексиз ҳамда мислсиздир.

Она тилимизнинг табиийлиги учун курашиш, оғзаки ва ёзма нутқда тил меъёрларига риоя қилиш, унинг тароватини сақлаб қолиш барчамизнинг энг муқаддас ҳамда шарафли бурчимиздир.

**Шаҳноза ХОЛМАХАМАТОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги жамоаси агентлик ходими Шаҳноза Аҳроровага турмуш ўртоғи
**Саидабдулазиз АҲРОРОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти жамоаси институт Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш кафедраси доценти Нигора Муҳамедовага онаси
**Моҳира ФАЙЗИЕВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1056. 30 737 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.50 Топширилди — 00.20 1 2 3 4 5 6